37. 2-тур ҳисоботи ҳолатида, агар назорат воситаларини тестдан ўтказишда ички аудит функциясининг ишидан фойдаланилган бўлса, хизмат аудиторининг назорат воситаларини тестдан ўтказиш ва унинг натижаларини тавсифлайдиган хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси нинг қисми ички аудиторнинг иши ва ушбу ишга нисбатан хизмат аудиторининг тартиб-таомилларининг тавсифини ўз ичига олиши лозим. (А41-бандга қаранг)

Ёзма баёнотлар

38. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотдан қуйидагиларни тақдим этишини сўраш учун ёзма баёнотларни сўраши лозим: (А42-бандга қаранг)

(a) Тизим тавсифига илова қилинган баёнот бўйича қайта ишонч хосил қилиш;

(b) У хизмат аудиторига барча тегишли маълумотлар ва келишилган киришни тақдим этганлигини тасдиқловчи; ва

(c) У хизмат аудиторига қуйидагилардан бирортаси ҳақида хабардор бўлса, ёритиб берганлигини тасдиқловчи:

(i) Хизмат кўрсатувчи ташкилотга боғлиқ бўлиб, бир ёки бир нечта фойдаланувчи ташкилотларга таъсир қилиши мумкин бўлган қонун ва қоидаларга риоя қилмаслик, фирибгарлик ёки тузатилмаган оғишлар;

(ii) Назорат воситаларидаги камчиликларни ишлаб чиқиш;

(iii) Назорат воситалари тавсифланганидек ишламаган ҳолатлар; ва

(iv) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифи қамраб оладиган даврдан кейинги ҳар қандай ҳодисалардан то хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санасигача бўлган, хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосасига аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар.

39. Ёзма баёнотлар хизмат аудиторига йўлланган тасдиқлаш хати шаклида бўлиши лозим. Ёзма баёнотларнинг санаси амалий жиҳатдан имкон қадар хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санасига яқин бўлиши, лекин ундан кейин бўлмаслиги лозим.

40. Агар, масалани хизмат аудитори билан муҳокама қилгандан сўнг, хизмат кўрсатувчи ташкилот ушбу ИТХС 38(a) ва (b)-бандига мувофиқ сўралган ёзма баёнотларнинг бир ёки бир нечтасини тақдим этмаса, хизмат аудитори фикр билдиришдан воз кечиши лозим. (А43-бандга қаранг)

Бошқа маълумотлар

41. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифи ва хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси мавжуд бўлган ҳужжатда киритилган бошқа маълумотларни, агар мавжуд бўлса, ўша тавсиф билан муҳим номувофиқликларни, агар мавжуд бўлса, аниқлаш учун ўқиб чиқиши лозим. Муҳим номувофиқликларни аниқлаш мақсадида бошқа маълумотларни ўқиш жараёнида, хизмат аудитори бошқа маълумотлардаги фактнинг аниқ бузиб кўрсатилишидан хабардор бўлиши мумкин.

42. Агар хизмат аудитори муҳим номувофиқликни аниқласа ёки бошқа маълумотларда фактнинг бузиб кўрсатилишидан хабардор бўлса, хизмат аудитори бу масалани хизмат кўрсатувчи ташкилот билан муҳокама қилиши лозим. Агар хизмат аудитори бошқа маълумотларда хизмат кўрсатувчи ташкилот тузатишни рад этадиган муҳим номувофиқлик ёки фактнинг бузиб кўрсатилиши мавжуд деган хулосага келса, хизмат аудитори кейинги тегишли ҳаракатларни амалга ошириши лозим. (А44–А45-бандларга қаранг)

Кейинги ҳодисалар

43. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотдан, у хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифи қамраб олган даврдан кейин то хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санасигача бўлган, хизмат аудиторини ишончни таъминлаш бўйича хулосани ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисалардан хабардорлигини сўраши лозим. Агар хизмат аудитори бундай ҳодиса ҳақида хабардор бўлса ва бу ҳодиса ҳақидаги маълумот хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ёритиб берилмаган бўлса, хизмат аудитори буни хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосасида ёритиб бериши лозим.

44. Хизмат аудиторининг хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифи ёки назорат воситаларининг лойиҳаси ёки операцион самарадорлигининг мувофиқлиги бўйича хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санасидан кейин ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажариш мажбурияти йўқ.

Ҳужжатлаштириш

45. Хизмат аудитори ўз вақтида топшириқ ҳужжатларини тайёрлаши лозим, бу ҳужжатлар ишончни таъминлаш бўйича хулоса учун етарли ва муносиб асос бўлиб, топшириқ билан аввал алоқаси бўлмаган тажрибали хизмат аудиторига қуйидагиларни тушуниш имконини бериши лозим:

    (а) Ушбу ИТХС ва қўлланиладиган қонуний ва норматив талабларга риоя қилиш учун бажарилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўлами;

    (b) Бажарилган тартиб-таомилларнинг натижалари ва олинган далиллар; ва

    (с) Топшириқ давомида юзага келган аҳамиятли масалалар ва улар бўйича чиқарилган хулосалар ҳамда бу хулосаларга келишда қилинган аҳамиятли профессионал мулоҳазалар.

46. Бажарилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини ҳужжатлаштиришда, хизмат аудитори қуйидагиларни қайд этиши лозим:

    (а) Тестдан ўтказилаётган махсус элементлар ёки масалаларнинг идентификация қилувчи хусусиятлари;

    (б) Ишни ким бажаргани ва бундай иш қачон тугалланганлиги; ва

    (в) Бажарилган ишни ким кўриб чиққани ҳамда бундай кўриб чиқишнинг санаси ва кўлами.

47. Агар хизмат аудитори ички аудиторларнинг махсус ишидан фойдаланса, хизмат аудитори ички аудиторлар ишининг етарлилигини баҳолашга доир чиқарилган хулосаларни ва хизмат аудитори томонидан ушбу иш бўйича бажарилган тартиб-таомилларни ҳужжатлаштириши лозим.

48. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот ва бошқалар билан аҳамиятли масалалар бўйича муҳокамаларни, шу жумладан муҳокама қилинган аҳамиятли масалаларнинг характери ҳамда муҳокамалар қачон ва ким билан ўтказилганлигини ҳужжатлаштириши лозим.

49. Агар хизмат аудитори аҳамиятли масала бўйича хизмат аудиторининг якуний хулосасига зид бўлган маълумотни аниқласа, хизмат аудитори ушбу номувофиқликни қандай ҳал қилганлигини ҳужжатлаштириши лозим.

50. Хизмат аудитори ҳужжатларни топшириқ файлига жамлаши ва хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича ҳисоботи санасидан кейин якуний топшириқ файлини жамлаш бўйича маъмурий жараённи ўз вақтида якунлаши лозим.

51. Якуний топшириқ файлини жамлаш тугаллангандан сўнг, хизмат аудитори сақлаш даври тугагунга қадар ҳужжатларни ўчириб ташламаслиги ёки йўқ қилмаслиги лозим. (А46-бандга қаранг)

52. Агар хизмат аудитори якуний топшириқ файлини жамлаш тугаллангандан сўнг мавжуд топшириқ ҳужжатларини ўзгартириш ёки янги ҳужжатларни қўшиш зарур деб топса ва бу ҳужжатлар хизмат аудиторининг ҳисоботига

таъсир қилмаса, хизмат аудитори, ўзгартиришлар ёки қўшимчаларнинг характеридан қатъи назар, қуйидагиларни ҳужжатлаштириши лозим:

(a) Уларни киритишнинг аниқ сабаблари; ва

(b) Улар қачон ва ким томонидан киритилгани ва кўриб чиқилгани.

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосани тайёрлаш

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосанинг мазмуни

53. Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосаси, энг камида, қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиши лозим: (А47-бандга қаранг)

(a) Хулосанинг мустақил хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулоса эканлигини аниқ кўрсатадиган сарлавҳа.

(b) Қабул қилувчи.

(c) Қуйидагиларни аниқлаштириш:

(i) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти, бу 2-тур ҳисоботи учун 9(k)(ii)-бандда ёки 1-тур ҳисоботи учун 9(j)(ii)-бандда тавсифланган масалаларни ўз ичига олади

(ii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифининг хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикри билан қамраб олинмайдиган қисмлари, агар бундай қисмлар мавжуд бўлса.

(iii) Агар тавсиф тўлдирувчи фойдаланувчи ташкилот назорат воситаларига эҳтиёж борлигини кўрсатса, хизмат кўрсатувчи аудитор тўлдирувчи фойдаланувчи ташкилот назорат воситаларининг лойиҳасининг мослигини ёки операцион самарадорлигини баҳоламаганлиги тўғрисидаги баёнот, ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига, фақат тўлдирувчи фойдаланувчи ташкилот назорат воситалари хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари билан бирга тегишли равишда ишлаб чиқилган ёки операцион самарали бўлган тақдирдагина эришиш мумкинлиги ҳақидаги баёнот.

(iv) Агар хизматлар суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан амалга оширилса, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинганидек, суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг характери ва уларга нисбатан қамраб олувчи усул ёки ажратиб чиқариш усули қўлланилганлиги. Чиқариб ташлаш усули қўлланилган бўлса, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи тегишли суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги назорат мақсадлари ва тегишли назорат воситаларини ўз ичига олмаслиги, ҳамда хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомиллари суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларигача ёйилмаслиги ҳақидаги баёнот. Қамраб олувчи усул қўлланилган бўлса, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат мақсадлари ва тегишли назорат воситаларини ўз ичига олиши, ҳамда хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомиллари суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларигача ёйилганлиги ҳақидаги баёнот.

(d) Қўлланиладиган мезонларни ва назорат мақсадларини белгилайдиган томонни аниқлаштириш.

(e) Ҳисобот ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, назорат воситаларининг тестлари тавсифи фақат фойдаланувчи ташкилотлар ва уларнинг аудиторлари учун мўлжалланганлиги, улар буни фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолашда, фойдаланувчи ташкилотларнинг ўзлари томонидан амалга оширилган назорат воситалари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олган бошқа маълумотлар билан бирга кўриб чиқиш учун етарли тушунчага эга бўлиши ҳақидаги баёнот. (А48-бандга қаранг)

(f) Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидагилар учун масъул эканлиги ҳақидаги баёнот:

(i) Ўз тизими тавсифини ва бу тавсиф ҳамда баёнотнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва тақдим этиш усулини ўз ичига олган ҳамроҳ баёнотни тайёрлаш;

(ii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи билан қамраб олинган хизматларни тақдим этиш;

(iii) Назорат мақсадларини баён қилиш (қонун ёки норматив ҳужжатлар, ёки бошқа томон, масалан, фойдаланувчилар гуруҳи ёки профессионал орган томонидан аниқланмаган бўлса); ва

(iv) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига эришиш учун назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

(g) Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг масъулияти хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсифи, ўша тавсифда баён

қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситаларининг лойиҳаси ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомилларига асосланган ҳолда ўша назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича фикр билдириш эканлиги ҳақидаги баёнот.

(h) Амалиётчи аъзо бўлган фирма 1-сон СБХС ёки бошқа профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни, булар камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлса, қўллаши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот қўлланиладиган ва камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган профессионал талабларни ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни аниқлаштириши лозим.

(i) Амалиётчи БХАСК Кодексининг мустақиллик ва бошқа ахлоқий талабларига, ёки бошқа профессионал талабларга, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларга, булар камида БХАСК Кодексининг ишонч топшириқларига тегишли қоидалари каби талабчан бўлса, риоя қилиши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот қўлланиладиган ва камида БХАСК Кодексининг ишонч топшириқларига тегишли қоидалари каби талабчан бўлган профессионал талабларни ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларни аниқлаштириши лозим.

(j) Топшириқ хизмат кўрсатувчи аудитордан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилганлиги ва назорат воситалари тегишли равишда ишлаб чиқилганлиги ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, операцион самарали эканлиги ҳақида оқилона ишончни олиш учун тартиб-таомилларни режалаштириш ва бажаришни талаб қиладиган 3402-сон ИТХС, хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича ишончни таъминлайдиган хулосалар стандартига мувофиқ бажарилганлиги ҳақидаги баёнот.

(o) Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг номи ва хизмат кўрсатувчи аудитор амалиёт билан шуғулланаётган юрисдикциядаги жойлашув.

54. 2-тур ҳисоботи ҳолатида, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулоса фикрдан кейин алоҳида банд ёки илова сифатида бажарилган назорат воситалари тестларини ва ушбу тестлар натижаларини тавсифловчи қисмни ўз ичига олиши лозим. Назорат воситалари тестларини тавсифлашда, хизмат кўрсатувчи аудитор қайси назорат воситалари тестдан ўтказилганлигини аниқ кўрсатиши, тестдан ўтказилган элементлар тўпламдаги барча элементларни ёки танланган элементларни ифодалаш ёки ифодаламаслигини аниқлаштириши ва фойдаланувчи аудиторларга бундай тестларнинг ўзларининг рискларни баҳолашларига таъсирини аниқлаш имконини берадиган етарли тафсилотда тестларнинг характерини кўрсатиши лозим. Агар оғишлар аниқланган бўлса, хизмат кўрсатувчи аудитор оғишларни аниқлашга олиб келган бажарилган тестлар ҳажмини (танланма олиш қўлланилган ҳолларда танланма ҳажмини ўз ичига олган ҳолда) ва аниқланган оғишларнинг сони ва характерини киритиши лозим. Хизмат кўрсатувчи аудитор, бажарилган тестлар асосида тегишли назорат мақсадига эришилган деган хулосага келган бўлса ҳам, оғишлар ҳақида хабар қилиши лозим. (А18 ва А49-бандларга қаранг)

Модификацияланган фикрлар

55. Агар хизмат кўрсатувчи аудитор қуйидаги хулосага келса: (А50-А52-бандларга қаранг)

(a) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсифи тизимни ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ҳолда барча муҳим жиҳатларда ҳаққоний тақдим этмаса;

(b) Тавсифда баён қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари барча муҳим жиҳатларда тегишли равишда ишлаб чиқилмаган бўлса;

(c) 2-тур ҳисоботи ҳолатида, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига эришилганлиги бўйича оқилона ишончни таъминлаш учун зарур бўлган ва тестдан ўтказилган назорат воситалари барча муҳим жиҳатларда операцион самарали бўлмаган бўлса; ёки

(d) Хизмат кўрсатувчи аудитор етарли ва муносиб аудит далилларини ололмаса,

хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикри модификацияланиши лозим ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси модификациялашнинг барча сабабларини аниқ баён қилган бандни ўз ичига олиши лозим.

Бошқа хабар қилиш мажбуриятлари

56. Агар хизмат кўрсатувчи аудитор қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик, фирибгарлик ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотга тегишли очиқча аҳамиятсиз бўлмаган ва бир ёки бир нечта фойдаланувчи ташкилотларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тузатилмаган хатолардан хабардор бўлса, хизмат кўрсатувчи аудитор ушбу масала таъсирланган фойдаланувчи ташкилотларга тегишли равишда хабар қилинганлигини аниқлаши лозим. Агар бундай масала хабар қилинмаган бўлса ва хизмат кўрсатувчи ташкилот буни қилишни хоҳламаса, хизмат кўрсатувчи аудитор тегишли чораларни кўриши лозим. (А53-бандга қаранг)

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

ИТХСнинг қўллаш доираси (1, 3-бандларга қаранг)

A1. Ички назорат молиявий ҳисобот ишончлилиги, операциялар самарадорлиги ва тегишли қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқлик билан боғлиқ мақсадларга эришиш бўйича оқилона ишончни таъминлаш учун мўлжалланган жараёндир. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг операцион ва мувофиқлик мақсадларига боғлиқ назорат воситалари фойдаланувчи ташкилотнинг молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган ички назорати учун аҳамиятли бўлиши мумкин. Бундай назорат воситалари ҳисоб қолдиқлари, операциялар турлари ёки маълумотларни ёритиб бериш билан боғлиқ тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш ҳақидаги тасдиқларга тегишли бўлиши ёки фойдаланувчи аудитор баҳолайдиган ёки аудиторлик тартиб-таомилларини қўллашда фойдаланадиган далилларга тегишли бўлиши мумкин. Масалан, иш ҳақини қайта ишлаш хизмат кўрсатувчи ташкилотининг иш ҳақи ушланмаларини давлат органларига ўз вақтида ўтказиб бериш билан боғлиқ назорат воситалари фойдаланувчи ташкилот учун аҳамиятли бўлиши мумкин, чунки кечиктирилган ўтказмалар фойдаланувчи ташкилот учун мажбурият юзага келтирадиган фоиз ва жарималарга сабаб бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг инвестиция операцияларининг тартибга солиш нуқтаи назаридан мақбуллиги устидан назорат воситалари фойдаланувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида операциялар ва ҳисоб қолдиқларини тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш учун аҳамиятли деб ҳисобланиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги операцион ва мувофиқлик билан боғлиқ назорат воситалари фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган ички назорати учун аҳамиятли бўлиши хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан белгиланган назорат мақсадларини ва мезонларнинг мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда профессионал мулоҳаза масаласидир.

A2. Хизмат кўрсатувчи ташкилот тизим тўғри ишлаб чиқилганлигини тасдиқлай олмаслиги мумкин, масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилот фойдаланувчи ташкилот томонидан ишлаб чиқилган ёки фойдаланувчи ташкилот ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасидаги шартномада белгиланган тизимни ишлатаётган бўлса. Назорат воситаларининг тўғри ишлаб чиқилиши ва уларнинг операцион самарадорлиги ўртасидаги ажралмас боғлиқлик туфайли, ишлаб чиқиш мувофиқлиги тўғрисидаги баёнотнинг йўқлиги хизмат кўрсатувчи аудиторнинг назорат воситалари назорат мақсадларига эришилганлиги ҳақида оқилона ишончни таъминлашини хулоса қилишига ва шунинг учун назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақида фикр билдиришига тўсқинлик қилиши эҳтимоли юқори. Муқобил сифатида амалиётчи назорат воситаларини тестдан ўтказиш учун келишилган тартиб-таомиллар топшириғини ёки 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) бўйича назорат воситалари тестлари асосида назорат воситалари тавсифланганидек ишлаган ёки ишламаганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун ишончни таъминлайдиган топшириқни қабул қилишни танлаши мумкин.

Таърифлар (9(d), 9(g)-бандларга қаранг)

A3. "Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари" таърифи хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қўллаб-қувватланадиган фойдаланувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларининг жиҳатларини ўз ичига олади ва шунингдек хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги ички назоратнинг бошқа компонентларидан бири ёки бир нечтасининг жиҳатларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Масалан, у хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат муҳити, мониторинг ва назорат фаолиятларининг кўрсатилаётган хизматларга тегишли бўлган жиҳатларини ўз ичига олиши мумкин. Бироқ, у хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида келтирилган назорат мақсадларига эришиш билан боғлиқ бўлмаган хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларини, масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаш билан боғлиқ назорат воситаларини ўз ичига олмайди.

A4. Қамраб олиш усули қўлланилганда, ушбу ИТХСнинг талаблари суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматларга ҳам қўлланилади, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ташкилот эмас, балки суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотга нисбатан 13(b)(i)–(v)-бандларда келтирилган масалалар бўйича келишувга эришиш ҳам. Суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотда тартиб-таомилларни бажариш хизмат кўрсатувчи ташкилот, суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот ва хизмат кўрсатувчи аудитор ўртасида мувофиқлаштириш ва мулоқотни талаб қилади. Қамраб олиш усули одатда фақат хизмат кўрсатувчи ташкилот ва суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот ўзаро боғлиқ бўлганда ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот ва суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот ўртасидаги шартнома унинг қўлланилишини назарда тутса, амалга оширилиши мумкин.

Ахлоқий талаблар (11-бандга қаранг)

A5. Хизмат кўрсатувчи аудитор тегишли мустақиллик талабларига риоя қилиши лозим, бу одатда БХАСК Кодексининг Халқаро мустақиллик стандартлари ва ундан қатъийроқ бўлган миллий талабларни ўз ичига олади. Ушбу ИТХС бўйича топшириқни бажаришда, БХАСК Кодекси хизмат кўрсатувчи аудитордан ҳар бир фойдаланувчи ташкилотдан мустақил бўлишни талаб қилмайди.

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар (12-бандга қаранг)

А6. Раҳбарият ва бошқарув тузилмалари юрисдикция ва ташкилотга қараб фарқ қилади, турли маданий ва ҳуқуқий асослар, ҳажм ва мулкчилик хусусиятлари каби таъсирларни акс эттиради. Бундай хилма-хиллик ушбу ИТХС барча топшириқлар учун хизмат кўрсатувчи аудитор маълум масалалар бўйича кимлар билан мулоқот қилиши кераклигини аниқ белгилай олмаслигини англатади. Масалан, хизмат кўрсатувчи ташкилот учинчи томон ташкилотининг бир қисми бўлиши ва алоҳида юридик шахс бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, ёзма баёнотларни сўраш учун тегишли раҳбарият ходимларини ёки бошқарув учун масъул шахсларни аниқлаш профессионал мулоҳаза юритишни талаб қилиши мумкин.

Қабул қилиш ва давом эттириш

*Топшириқни бажариш учун қобилиятлар ва малака (*13(a)(i)-бандга қаранг)

А7. Топшириқни бажариш учун тегишли қобилиятлар ва малакага қуйидаги каби масалалар киради:

- Тегишли соҳани билиш;
- Ахборот технологиялари ва тизимларини тушуниш;
- Назорат воситаларининг тўғри лойиҳаланиши билан боғлиқ рискларни баҳолашда тажриба; ва
- Назорат воситаларини тестдан ўтказишни лойиҳалаш ва бажариш ҳамда натижаларни баҳолашда тажриба.

*Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти (*13(b)(i)-бандга қаранг)

А8. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг хизмат кўрсатувчи аудитор топшириқни қабул қилиш ёки давом эттиришга розилигидан кейин ёзма баёнот беришдан бош тортиши, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топшириқдан четлашишига сабаб бўладиган кўлам чекловини ифодалайди. Агар қонун ёки норматив ҳужжат хизмат кўрсатувчи аудиторга топшириқдан четлашишга рухсат бермаса, хизмат кўрсатувчи аудитор фикр беришдан бош тортади.

*Хизмат кўрсатувчи ташкилот баёноти учун оқилона асос (*13(b)(ii)-бандга қаранг)

А9. 2-турдаги ҳисобот ҳолатида, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифида келтирилган назорат мақсадларига боғлиқ назорат воситалари кўрсатилган давр давомида самарали ишлаганлиги ҳақидаги баёнотни ўз ичига олади. Бу баёнот хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг мониторинг фаолиятларига асосланган бўлиши мумкин. Назорат воситаларининг мониторинги - бу вақт ўтиши билан назорат воситаларининг самарадорлигини баҳолаш жараёни. У назорат воситаларининг самарадорлигини ўз вақтида баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ичидаги тегишли шахсларга хабар бериш ҳамда зарур тузатиш чораларини кўришни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат воситаларининг мониторингини доимий фаолиятлар, алоҳида баҳолашлар ёки иккаласининг комбинацияси орқали амалга оширади. Доимий мониторинг фаолиятларининг даражаси ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, алоҳида баҳолашларга шунчалик кам эҳтиёж бўлади. Доимий мониторинг фаолиятлари кўпинча хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг нормал такрорланувчи фаолиятларига киритилади ва мунтазам бошқарув ва назорат фаолиятларини ўз ичига олади. Ички аудиторлар ёки шунга ўхшаш функцияларни бажарувчи ходимлар хизмат кўрсатувчи ташкилот фаолиятларининг мониторингига ҳисса қўшиши мумкин. Мониторинг фаолиятлари шунингдек мижозларнинг шикоятлари ва тартибга солувчи органлар шарҳлари каби ташқи томонлар билан мулоқот қилинган маълумотлардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олиши мумкин, бу муаммоларни кўрсатиши ёки яхшиланиш керак бўлган соҳаларга эътиборни қаратиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи аудитор назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақида хулоса беришининг ўзи хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз баёноти учун оқилона асос таъминлашга оид жараёнларининг ўрнини боса олмайди.

*Рискларни аниқлаш (*13(b)(iv)-бандга қаранг)

А10. 9(c)-бандда таъкидланганидек, назорат мақсадлари назорат воситалари камайтиришга интилаётган рисклар билан боғлиқ. Масалан, операция нотўғри миқдорда ёки нотўғри даврда қайд этилиши риски операциялар тўғри миқдорда ва тўғри даврда қайд этилиши керак деган назорат мақсади сифатида ифодаланиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тизими тавсифида келтирилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид соладиган рискларни аниқлаш учун масъулдир. Хизмат кўрсатувчи ташкилот тегишли рискларни аниқлаш учун расмий ёки норасмий жараёнга эга бўлиши мумкин. Расмий жараён аниқланган рискларнинг аҳамиятини баҳолаш, уларнинг юзага келиш эҳтимолини баҳолаш ва уларни ҳал қилиш бўйича чоралар ҳақида қарор қабул қилишни ўз ичига олиши мумкин. Бироқ, назорат мақсадлари назорат воситалари камайтиришга интилаётган рисклар билан боғлиқ бўлгани учун, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини лойиҳалаш ва амалга оширишда назорат мақсадларини чуқур ўйлаб аниқлаш ўзи тегишли рискларни аниқлаш учун норасмий жараённи ташкил этиши мумкин.

*Топшириқ шартларидаги ўзгаришни қабул қилиш (*14-бандга қаранг)

А11. Топшириқ кўламини ўзгартириш ҳақидаги сўров, масалан, қуйидаги ҳолларда оқилона асосга эга бўлмаслиги мумкин: сўров хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикри ўзгартирилиши эҳтимоли туфайли маълум назорат мақсадларини топшириқ кўламидан чиқариб ташлаш учун киритилганда; ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот хизмат

кўрсатувчи аудиторга ёзма баёнот тақдим этмаса ва сўров 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) бўйича топшириқни бажариш учун киритилса.

A12. Топшириқ кўламини ўзгартириш ҳақидаги сўров, масалан, қуйидаги ҳолларда оқилона асосга эга бўлиши мумкин: сўров суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотни топшириқ кўламидан чиқариб ташлаш учун киритилганда, бунда хизмат кўрсатувчи ташкилот хизмат кўрсатувчи аудиторга кириш ҳуқуқини таъминлай олмайди ва бу суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматларни киритиш усули қўшиб олиш усулидан ажратиб чиқариш усулига ўзгартирилади.

Мезонларнинг мувофиқлигини баҳолаш (15-18-бандларга қаранг)

A13. Мўлжалланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизим тавсифининг ҳаққоний тақдим этилиши, назорат воситаларининг лойиҳаси мувофиқлиги ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, назорат мақсадларига тегишли назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақидаги баёноти асосини тушуниш имконини бериш учун мезонлар мўлжалланган фойдаланувчилар учун мавжуд бўлиши лозим.

A14. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) хизмат кўрсатувчи аудитордан, бошқа масалалар қаторида, қўлланиладиган мезонлар мувофиқ эканлигини аниқлаш ва асосий предметнинг мослигини аниқлашни талаб қилади. Асосий предмет - бу ишончни таъминлайдиган хулоса мўлжалланган фойдаланувчиларини қизиқтирадиган асосий ҳолатдир. Қуйидаги жадвалда 2-тур ва 1-тур ҳисоботларидаги ҳар бир фикр учун предмет ва минимал мезонлар аниқланган.

	Асосий мавзу	**Мезонлар**	**Изоҳ**	
Хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг тавсифини ҳаққоний тақдим этиш ҳақидаги фикр (1-тур ва 2-тур ҳисоботлари)	Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботига тегишли ички назоратига алоқадор бўлиши эҳтимоли юқори бўлган тизими ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулоса билан қамраб олинган тизими.	Агар тавсиф қуйидагиларга жавоб берса, у ҳаққоний тақдим этилган ҳисобланади: (a) хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими қандай ишлаб чиқилгани ва жорий қилинганини, шу жумладан, тегишли равишда, 16(a)(i)–(viii)-бандларда аниқланган масалаларни тақдим этса; (b) 2-тур ҳисоботи ҳолатида, тавсиф билан қамраб олинган давр мобайнида хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимидаги ўзгаришларнинг тегишли тафсилотларини ўз ичига олса; ва(c) тавсифланаётган хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг кўламига тегишли маълумотларни тушириб қолдирмаса ёки бузиб кўрсатмаса, бунда тавсиф фойдаланувчи ташкилотларнинг кенг доирасининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланганлиги ва шунинг учун ҳар бир алоҳида фойдаланувчи ташкилот ўз муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслиги мумкинлигини эътироф этса.	Ушбу фикр учун мезонларнинг махсус сўз шакли, масалан, қонун ёки қоида, фойдаланувчи гуруҳлари ёки профессионал ташкилот томонидан белгиланган мезонларга мос келиши учун мослаштирилиши керак бўлиши мумкин. Ушбу фикр учун мезонлар намуналари 1-иловадаги намунавий хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотида келтирилган. A21–A24-бандлар ушбу мезонларга жавоб бериш-бермаслигини аниқлаш борасида қўшимча кўрсатмалар тақдим этади. (3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талаблари жиҳатидан, ушбу фикр учун предмет ҳақидаги маълумот хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсиф ҳаққоний тақдим этилгани ҳақидаги баёнотидир.)	
Лойиҳанинг мувофиқлиги ва операцион самарадорлик ҳақидаги фикр (2-тур ҳисоботлари)	Назорат воситаларининг лойиҳаси мувофиқлиги ва операцион самарадорлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилот тизими тавсифида келтирилган назорат мақсадларига эришиш учун	Назорат воситалари мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ва самарали ишлаётган ҳисобланади, агар: (a) хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тизимининг тавсифида келтирилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид соладиган рискларни аниқлаган бўлса;(b) ўша тавсифда аниқланган назорат воситалари, агар тавсифланганидек ишлаётган бўлса, бу рисклар белгиланган назорат мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслиги ҳақида оқилона ишончни таъминласа; ва(c) назорат воситалари	Ушбу фикр учун мезонлар бажарилганда, назорат воситалари белгиланган давр давомида тегишли назорат мақсадларига эришилганлиги ҳақида оқилона ишончни таъминлаган бўлади. (3000-сон ИТХС (Қайта	Назорат мақсадлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида келтирилган, ушбу фикрлар учун мезонларнинг бир қисми ҳисобланади. Белгиланган назорат мақсадлари турли топшириқларда ҳар хил бўлади. Агар, тавсиф ҳақида фикр шакллантириш жараёнида, хизмат

Лойиҳанинг мувофиқлиги ҳақидаги фикр (1-тур ҳисоботлари)	**Назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган назорат воситалари лойиҳасининг мувофиқлиги, хизмат кўрсатувчи ташкилот тизими тавсифида келтирилган назорат мақсадлари.**	**Назорат воситалари мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган ҳисобланади, агар: (a) хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тизимининг тавсифида келтирилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид соладиган рискларни аниқлаган бўлса; ва(b) ўша тавсифда аниқланган назорат воситалари, агар тавсифланганидек ишлаётган бўлса, бу рисклар белгиланган**	**Ушбу мезонларга мос келиш ўз-ўзидан тегишли назорат мақсадларига эришилганлиги ҳақида ҳеч қандай ишончни таъминламайди, чунки назорат воситаларининг ишлаши ҳақида ҳеч қандай ишонч олинмаган. (ИТХС**	

A15. 16(a)-банд хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифига мувофиқ равишда киритиладиган бир қатор элементларни аниқлаштиради. Агар тавсифланган тизим операцияларни қайта ишламаса, масалан, агар тизим АТ иловасини жойлаштириш устидан умумий назорат воситаларига тегишли бўлса, лекин илованинг ўзида жойлашган назорат воситаларига тегишли бўлмаса, бу элементлар мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

Муҳимлик (19, 54-бандларга қаранг)

A16. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида хулоса бериш топшириғида муҳимлик тушунчаси ҳисобот берилаётган тизимга тегишли бўлиб, фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларига эмас. Хизмат кўрсатувчи аудитор, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилганлигини, хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари барча муҳим жиҳатларда мувофиқ тарзда ишлаб чиқилганлигини ва 2-тур ҳисоботи ҳолатида, хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари барча муҳим жиҳатларда самарали ишлаётганлигини аниқлаш учун тартиб-таомилларни режалаштиради ва бажаради. Муҳимлик тушунчаси шуни ҳисобга оладики, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосаси хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими ҳақида, кенг доирадаги фойдаланувчи ташкилотлар ва уларнинг аудиторларининг умумий маълумот эҳтиёжларини қондириш учун маълумот тақдим этади, улар бу тизимдан қандай фойдаланилганлиги ҳақида тушунчага эга.

A17. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифининг ҳаққоний тақдим этилишига ва назорат воситаларининг ишлаб чиқилишига нисбатан муҳимлик, асосан, сифат омилларини кўриб чиқишни ўз ичига олади, масалан: тавсиф аҳамиятли операцияларни қайта ишлашнинг муҳим жиҳатларини ўз ичига олиши; тавсиф тегишли маълумотларни тушириб қолдиргани ёки бузиб кўрсатилгани; ва назорат воситалари, ишлаб чиқилганидек, назорат мақсадларига эришилишини оқилона ишонч билан таъминлаш қобилияти. Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақидаги хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикрига нисбатан муҳимлик ҳам миқдорий, ҳам сифат омилларини кўриб чиқишни ўз ичига олади, масалан, оғишнинг йўл қўйиладиган ва кузатилган даражаси (миқдорий масала), ва ҳар қандай кузатилган оғишнинг характери ва сабаби (сифат масаласи).

A18. Муҳимлик тушунчаси назорат воситаларини тестдан ўтказиш тавсифида, оғишлар аниқланган ҳолларда, бу тестлар натижаларини ёритиб беришда қўлланилмайди. Бунинг сабаби, маълум бир фойдаланувчи ташкилоти ёки фойдаланувчи аудиторининг алоҳида ҳолатларида, четга чиқиш хизмат кўрсатувчи аудитор фикрига кўра, назорат воситаси самарали ишлашига тўсқинлик қилиши, бундан ташқари муҳимлик касб этиши мумкин. Масалан, четга чиқиш тегишли бўлган назорат воситаси фойдаланувчи ташкилотининг молиявий ҳисоботлари алоҳида ҳолатларида муҳим бўлиши мумкин бўлган маълум турдаги хатонинг олдини олишда айниқса муҳим бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини тушуниб олиш (20-бандга қаранг)

A19. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини, шу жумладан топшириқ доирасига киритилган назорат воситаларини тушуниб олиш хизмат кўрсатувчи аудиторга қуйидагиларда ёрдам беради:

- Ушбу тизим чегараларини ва у бошқа тизимлар билан қандай боғланишини аниқлашда.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсифи ишлаб чиқилган ва амалга оширилган тизимни ҳаққоний тақдим этиш ёки этмаслигини баҳолашда.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотини тайёрлаш устидан ички назоратни тушуниб олишда.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган назорат воситаларини аниқлашда.
- Назорат воситалари мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган-ишлаб чиқилмаганлигини баҳолашда.

- 2-тур ҳисоботи ҳолатида, назорат воситалари самарали ишлаётган-ишламаётганлигини баҳолашда.

А20. Ушбу тушунчани олиш учун хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомиллари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг мулоҳазасига кўра, тегишли маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот ичидаги шахслардан сўраш.
- Операцияларни кузатиш ва ҳужжатлар, ҳисоботлар, операцияларни қайта ишлашнинг босма ва электрон ёзувларини текшириш.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилот ва фойдаланувчи ташкилотлар ўртасидаги шартномаларнинг танланмани уларнинг умумий шартларини аниқлаш учун текшириш.
- Назорат тартиб-таомилларини қайта бажариш.

Тавсиф ҳақида далил олиш (21–22-бандларга қаранг)

А21. Қуйидаги саволларни кўриб чиқиш хизмат кўрсатувчи аудиторга топшириқ доирасига киритилган тавсиф жиҳатларининг барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилган-этилмаганлигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин:

- Тавсиф (топшириқ доирасидаги) кўрсатилган хизматнинг асосий жиҳатларини қамраб олиши, бу жиҳатлар фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари аудитини режалаштиришда кенг доирадаги фойдаланувчи аудиторларининг умумий эҳтиёжлари учун тегишли бўлиши асосли равишда кутилиши мумкинми?
- Тавсиф фойдаланувчи аудиторларининг кенг доирасини 315-сон АХС (2019 йилда қайта таҳрирланган) га мувофиқ ички назоратни тушуниб олиш учун етарли маълумот билан таъминлаш учун оқилона кутилиши мумкин бўлган тафсилот даражасида тайёрланганми? Тавсиф хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг қайта ишлашининг ҳар бир жиҳатини ёки фойдаланувчи ташкилотларга кўрсатиладиган хизматларни қамраб олиши шарт эмас, ва ўқувчига хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги хавфсизлик ёки бошқа назорат воситаларини заифлаштириш имконини берадиган даражада батафсил бўлиши шарт эмас.
- Тавсиф кенг доирадаги фойдаланувчи аудиторларининг умумий эҳтиёжлари бўйича қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлган маълумотларни тушириб қолдирмайдиган ёки бузиб кўрсатмайдиган тарзда тайёрланганлиги, масалан, тавсиф хизмат кўрсатувчи аудиторга маълум бўлган қайта ишлашдаги муҳим тушириб қолдиришлар ёки ноаниқликларни ўз ичига оладими?
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларининг баъзилари топшириқ доирасидан чиқарилган бўлса, тавсиф чиқариб ташланган мақсадларни аниқ белгилаб берадими?
- Тавсифда аниқланган назорат воситалари амалга оширилганми?
- Фойдаланувчи ташкилоти томонидан тўлдирувчи назорат воситалари, агар мавжуд бўлса, етарлича тавсифланганми?
- Кўпчилик ҳолларда, назорат мақсадлари тавсифи шундай сўз билан ифодаланадики, назорат мақсадларига фақат хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан амалга оширилган назорат воситаларининг самарали ишлаши орқали эришиш мумкин. Баъзи ҳолларда, бироқ, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўзи томонидан эришиб бўлмайди, чунки уларга эришиш фойдаланувчи ташкилотлари томонидан маълум назорат воситаларини амалга оширишни талаб қилади. Бу, масалан, назорат мақсадлари тартибга солувчи орган томонидан белгиланган ҳолларда шундай бўлиши мумкин. Тавсиф фойдаланувчи ташкилотнинг тўлдирувчи назорат воситаларини ўз ичига олганда, тавсиф ушбу назорат воситаларини ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўзи томонидан эришиб бўлмайдиган махсус назорат мақсадларини алоҳида аниқлаб беради.
- Агар киритиш усули қўлланилган бўлса, тавсиф хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларини ва суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларини алоҳида аниқлаб берадими?
- Агар ажратиб чиқариш ташлаш усули қўлланилса, тавсиф суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан бажариладиган функцияларни аниқлаб берадими?
- Ажратиб чиқариш ташлаш усули қўлланилганда, тавсиф суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги батафсил қайта ишлаш ёки назорат воситаларини тавсифлаши шарт эмас.

А22. Тавсифнинг ҳаққоний тақдим этилишини баҳолаш учун хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомиллари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Фойдаланувчи ташкилотларининг характерини ва хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатилаётган хизматлар уларга қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўриб чиқиш, масалан, фойдаланувчи

ташкилотлари маълум бир соҳадан эканлиги ва улар давлат органлари томонидан тартибга солиниши.

- Фойдаланувчи ташкилотлари билан стандарт шартномаларни ёки шартномаларнинг стандарт шартларини (агар қўлланиладиган бўлса) хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг шартнома мажбуриятларини тушуниб олиш учун ўқиш.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилот ходимлари томонидан бажариладиган тартиб-таомилларни кузатиш.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг сиёсат ва тартиб-таомиллар бўйича қўлланмаларини ва бошқа тизим ҳужжатларини, масалан, ишлаш схемалари ва баённарни кўриб чиқиш.

A23. 21(a)-банд хизмат кўрсатувчи аудитордан хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадлари шароитларда оқилона эканлигини баҳолашни талаб қилади. Қуйидаги саволларни кўриб чиқиш хизмат кўрсатувчи аудиторга ушбу баҳолашда ёрдам бериши мумкин:

- Баён қилинган назорат мақсадлари хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ёки тартибга солувчи орган, фойдаланувчилар гуруҳи ёки шаффоф тегишли жараёнга риоя қиладиган профессионал орган каби ташқи томонлар томонидан белгиланганми?
- Баён қилинган назорат мақсадлари хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан белгиланган бўлса, улар хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари оқилона боғлиқ бўлиши кутиладиган фойдаланувчи ташкилотларининг кенг доирадаги молиявий ҳисоботларида одатда мужассамлашган тасдиқлаш турларига тегишлими?
- Хизмат кўрсатувчи аудитор одатда хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари алоҳида фойдаланувчи ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида мужассамлашган тасдиқлашларга қандай аниқ боғлиқлигини аниқлай олмаса-да, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг характери, шу жумладан назорат воситалари, ва кўрсатилаётган хизматлар ҳақидаги тушунчаси ушбу назорат воситалари боғлиқ бўлиши мумкин бўлган тасдиқлаш турларини аниқлаш учун фойдаланилади.
- Агар хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан назорат мақсадлари белгиланган бўлса, улар тўлиқми? Назорат мақсадларининг тўлиқ тўплами фойдаланувчи аудиторларга хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг фойдаланувчи ташкилотлар молиявий ҳисоботларида одатда мужассамлашган тасдиқлашларга таъсирини баҳолаш учун кенг доирадаги асос тақдим этиши мумкин.

A24. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими жорий қилинганлигини аниқлаш учун хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомиллари бу тизимни тушуниб олиш учун тартиб-таомилларга ўхшаш бўлиши ва улар билан биргаликда бажарилиши мумкин. Улар шунингдек хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими орқали элементларни кузатишни ва, 2-турдаги ҳисобот ҳолатида, давр давомида жорий қилинган назорат воситаларидаги ўзгаришлар ҳақида махсус сўровларни ўз ичига олиши мумкин. Фойдаланувчи ташкилотлар ёки уларнинг аудиторлари учун аҳамиятли бўлган ўзгаришлар хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифига киритилади.

Назорат воситалари лойиҳаси бўйича далиллар олиш (23, 28(b)-бандларга қаранг)

A25. Фойдаланувчи ташкилот ёки фойдаланувчи аудитор нуқтаи назаридан, назорат воситаси, агар у алоҳида ёки бошқа назорат воситалари билан биргаликда, қониқарли равишда риоя қилинганда, муҳим бузиб кўрсатишлар олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатиш бўйича оқилона ишончни таъминласа, тегишли равишда ишлаб чиқилган ҳисобланади. Бироқ, хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки хизмат кўрсатувчи аудитор алоҳида фойдаланувчи ташкилотлардаги ҳолатлардан, яъни назорат четга чиқиши натижасида юзага келган бузиб кўрсатиш бу фойдаланувчи ташкилотлар учун муҳим бўлиш-бўлмаслигини аниқлайдиган ҳолатлардан, хабардор эмас. Шунинг учун, хизмат кўрсатувчи аудитор нуқтаи назаридан, назорат воситаси, агар у алоҳида ёки бошқа назорат воситалари билан биргаликда, қониқарли равишда риоя қилинганда, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш бўйича оқилона ишончни таъминласа, тегишли равишда ишлаб чиқилган ҳисобланади.

A26. Хизмат кўрсатувчи аудитор назорат воситаларининг лойиҳасини тушунишни осонлаштириш учун оқим схемалари, сўровномалар ёки қарор қабул қилиш жадваллари қўллашни кўриб чиқиши мумкин.

A27. Назорат воситалари назорат мақсадига эришишга қаратилган бир қатор фаолиятлардан иборат бўлиши мумкин. Натижада, агар хизмат кўрсатувчи аудитор маълум бир фаолиятларни муайян назорат мақсадига эришишда самарасиз деб баҳоласа, бошқа фаолиятларнинг мавжудлиги хизмат кўрсатувчи аудиторга назорат мақсадига боғлиқ назорат воситалари тегишли равишда ишлаб чиқилган деган хулосага келиш имконини бериши мумкин.

Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича далиллар олиш

*Операцион самарадорликни баҳолаш (*24-бандга қаранг)

A28. Фойдаланувчи ташкилот ёки фойдаланувчи аудитор нуқтаи назаридан, назорат воситаси, агар у алоҳида ёки бошқа назорат воситалари билан биргаликда фирибгарлик ёки хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишлар олдини олиш ёки

аниқлаш ва тузатиш бўйича оқилона ишончни таъминласа, самарали ишлаётган ҳисобланади. Бироқ, хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки хизмат кўрсатувчи аудитор алоҳида фойдаланувчи ташкилотлардаги ҳолатлардан, яъни назорат четга чиқиши натижасида бузиб кўрсатиш юз берганлигини ва, агар шундай бўлса, у муҳимлигини аниқлайдиган ҳолатлардан хабардор эмас. Шунинг учун, хизмат кўрсатувчи аудитор нуқтаи назаридан, назорат воситаси, агар у алоҳида ёки бошқа назорат воситалари билан биргаликда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш бўйича оқилона ишончни таъминласа, самарали ишлаётган ҳисобланади. Шунга ўхшаш, хизмат кўрсатувчи ташкилот ёки хизмат кўрсатувчи аудитор алоҳида фойдаланувчи ташкилот нуқтаи назаридан, кузатилган ҳар қандай назорат четга чиқиши муҳим бузиб кўрсатишга олиб келиш-келмаслигини аниқлаш имкониятига эга эмас.

A29. Назорат воситаларининг лойиҳаси мослиги ҳақида фикр билдириш учун уларни етарли даражада тушуниш, назорат воситаларининг ишлаб чиқилиши ва жорий қилинишидаги каби изчил ишлашини таъминлайдиган автоматлаштириш мавжуд бўлмаса, уларнинг операцион самарадорлиги ҳақида етарли далил бўлмайди. Масалан, маълум бир вақт нуқтасида қўлда бажариладиган назорат воситасининг жорий қилиниши ҳақида маълумот олиш, бошқа вақтларда бу назорат воситасининг ишлаши ҳақида далил тақдим этмайди. Бироқ, АТ қайта ишлашнинг ажралмас изчиллиги туфайли, автоматлаштирилган назорат воситасининг лойиҳасини аниқлаш ва у жорий қилинганлигини аниқлаш учун тартиб-таомилларни бажариш, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг бошқа назорат воситалари, масалан дастур ўзгаришлари устидан назорат воситаларини баҳолаши ва тестдан ўтказишига қараб, бу назорат воситасининг операцион самарадорлиги ҳақида далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

A30. Фойдаланувчи аудиторлар учун фойдали бўлиши учун, 2-турдаги ҳисобот одатда камида олти ойлик даврни қамраб олади. Агар давр олти ойдан кам бўлса, хизмат кўрсатувчи аудитор қисқароқ давр сабабларини хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосасида тавсифлашни мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин. Олти ойдан кам даврни қамраб оладиган ҳисоботга олиб келувчи ҳолатларга қуйидагилар киради: (a) хизмат кўрсатувчи аудитор назорат воситалари ҳақидаги ҳисобот чиқарилиши керак бўлган санага яқин вақтда жалб қилинганда; (b) хизмат кўрсатувчи ташкилот (ёки маълум бир тизим ёки дастур) олти ойдан кам вақт давомида фаолият кўрсатганда; ёки (c) назорат воситаларига аҳамиятли ўзгаришлар киритилган ва ҳисобот чиқаришдан олдин олти ой кутиш ёки ўзгаришлардан олдин ва кейин тизимни қамраб олувчи ҳисобот чиқариш амалий бўлмаганда.

A31. Айрим назорат тартиб-таомиллари кейинчалик тестдан ўтказилиши мумкин бўлган ўз фаолиятининг далилларини қолдирмаслиги мумкин ва, шунга кўра, хизмат кўрсатувчи аудитор хулоса бериш даври давомида турли вақтларда бундай назорат тартиб-таомилларининг операцион самарадорлигини тестдан ўтказишни зарур деб топиши мумкин.

A32. Хизмат кўрсатувчи аудитор ҳар бир давр давомида назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақида фикр тақдим этади, шунинг учун, жорий давр давомида назорат воситаларининг ишлаши ҳақида етарли ва муносиб далиллар хизмат кўрсатувчи аудиторнинг бу фикрни билдириши учун талаб қилинади. Бироқ, аввалги топшириқларда кузатилган оғишлар ҳақидаги билимлар хизмат кўрсатувчи аудиторни жорий даврда тестдан ўтказиш кўламини оширишга ундаши мумкин.

Билвосита назорат воситаларини тестдан ўтказиш (25(b)-бандга қаранг)

A33. Баъзи ҳолатларда, билвосита назорат воситаларининг самарали ишлашини қўллаб-қувватловчи далиллар олиш зарур бўлиши мумкин. Масалан, хизмат кўрсатувчи аудитор рухсат этилган кредит лимитларидан ошиб кетган сотувларни батафсил баён қилувчи истисно ҳисоботларини кўриб чиқишнинг самарадорлигини тестдан ўтказишга қарор қилганда, кўриб чиқиш ва тегишли кейинги ҳаракатлар хизмат кўрсатувчи аудитор учун бевосита аҳамиятга эга бўлган назорат воситасидир. Ҳисоботлардаги маълумотларнинг аниқлиги устидан назорат воситалари (масалан, умумий АТ назорат воситалари) "билвосита" назорат воситалари сифатида тавсифланади.

A34. АТ қайта ишлашнинг ажралмас изчиллиги туфайли, автоматлаштирилган дастур назорат воситасининг жорий қилиниши ҳақидаги далиллар, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг умумий назорат воситаларининг (айниқса, ўзгаришлар устидан назорат воситаларининг) операцион самарадорлиги ҳақидаги далиллар билан биргаликда кўриб чиқилганда, унинг операцион самарадорлиги ҳақида ҳам муҳим далиллар тақдим этиши мумкин.

Тестдан ўтказиш учун элементларни танлаш усуллари (25(c), 27-бандларга қаранг)

A35. Хизмат кўрсатувчи аудитор учун мавжуд бўлган тестдан ўтказиш учун элементларни танлаш усуллари қуйидагилардан иборат

(a) Барча элементларни танлаш (100% текшириш). Бу камдан-кам қўлланиладиган назорат воситаларини, масалан, чораклик назорат воситаларини тестдан ўтказиш учун, ёки назорат воситасини қўллаш ҳақидаги далиллар 100% текширишни самарали қиладиган ҳолларда мос келиши мумкин;

(b) Муайян элементларни танлаш. Бу 100% текшириш самарали бўлмаган ва танлаб олиш таъсирли бўлмаган ҳолларда мос келиши мумкин, масалан, танлаб олиш учун катта тўпламни шакллантириш учун етарли даражада тез-тез қўлланилмайдиган, масалан, ойлик ёки ҳафталик қўлланиладиган назорат воситаларини

тестдан ўтказишда; ва

(c) Танланма. Бу бир хил тарзда тез-тез қўлланиладиган ва ўз қўлланилишининг ҳужжатли далилларини қолдирадиган назорат воситаларини тестдан ўтказиш учун мос келиши мумкин.

A36. Муайян элементларни танлаб текшириш кўпинча далил олишнинг самарали усули бўлса-да, у танлаб олиш ҳисобланмайди. Бу тарзда танланган элементларга қўлланилган тартиб-таомиллар натижаларини бутун тўпламга нисбатан умумлаштириб бўлмайди; шунга кўра, муайян элементларни танлаб текшириш тўпламнинг қолган қисми ҳақида далил тақдим этмайди. Бошқа томондан, танлаб олиш ундан олинган намунани тестдан ўтказиш асосида бутун тўплам ҳақида хулосалар чиқариш имконини бериш учун мўлжалланган.

Ички аудит функциясининг иши

*Ички аудит функциясини тушуниб олиш (*30-бандга қаранг)

A37. Ички аудит функцияси раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахсларга таҳлиллар, баҳолашлар, ишончни таъминлаш, тавсиялар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш учун масъул бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги ички аудит функцияси хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ички назорат тизимига тегишли фаолиятларни ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот фойдаланувчи ташкилотларга тақдим этаётган хизматлар ва тизимларга, шу жумладан назорат воситаларига тегишли фаолиятларни бажариши мумкин.

*Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш зарурлигини ва қай даражада фойдаланишини аниқлаш (*33-бандга қаранг)

A38. Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомилларининг характери, муддати ёки кўламига ички аудиторларнинг ишининг режалаштирилган таъсирини аниқлашда, қуйидаги омиллар акс ҳолда бўлиши мумкин бўлганидан фарқли ёки камроқ кенг кўламли тартиб-таомилларнинг зарурлигини кўрсатиши мумкин:

- Ички аудиторлар томонидан бажарилган ёки бажариладиган ўзига хос ишнинг характери ва кўлами анча чекланган.
- Ички аудиторларнинг иши хизмат кўрсатувчи аудиторнинг хулосалари учун камроқ аҳамиятли бўлган назорат воситаларига тегишли.
- Ички аудиторлар томонидан бажарилган ёки бажариладиган иш субъектив ёки мураккаб мулоҳазаларни талаб қилмайди.

*Ички аудит хизмати ишидан фойдаланиш (*34-бандга қаранг)

